



O'ZBEKISTON OVOZI

SHU AZIZ
VATAN —
BARCHAMIZNIKI!

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

• 2010-yil • 22-iyun • Seshanba • 73 (31.193) • (Tel. Faks) 233-12-56 • 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz www.uzbekistonovozi.uz

Германия делегациясининг ташрифи

■ Ўзбекистон Республикаси Байналмилал маданият марказида Германия Федератив Республикаси Федерал ҳукуматининг кўчиб ўтганлар ва кам сонли миллатлар масалалари бўйича вакили, Ички ишлар вазирлигининг парламент томонидан давлат котиби, Бундестаг депутаты Кристоф Бергнер билан учрашув бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Байналмилал маданият маркази директори Н.Мухаммадиев мамлакатимизда Президент Ислам Каримов раҳнамолигида миллатлараро тотувликни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётганини, тили, дини, ижтимоий келиб чиқишдан қатъи назар барча миллат ва элатлар вакилларининг аҳил-иноқ яшаётганини, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қонун билан кафолатланганини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистонда фаолият юритаётган бир юз эллика яқин миллий-маданий марказлар турли миллат ва элатлар вакилларининг ўз тарихини ўрганиш, тилини, маданияти ва санъати, урф-одатлари ва анъаналарини сақлаш ва ривожлантиришга кўмаклашишга катта ҳисса қўшаётди. Байналмилал маданият маркази ҳузурида ташкил этилган немис маданият маркази Бухоро, Самарқанд ва Фарғона вилоятларида ҳам ўз бўлимларига эга.

К.Бергнер Ўзбекистонда истиқомат қилаётган барча миллат ва элатлар вакилларининг тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш, тотувлик, бағрикенглик тамо-

йилларини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган ишларга юксак баҳо берди.

— Ўзбекистонда барча миллатлар вакиллари тинч, осойишта ва фаровон ҳаёт кечирмоқда, — деди К.Бергнер. — Жумладан, немис миллатига мансуб аҳолига кўрсатилаётган эътибор учун Ўзбекистон раҳбариятидан гоёта миннатдоримиз. Байналмилал маданият маркази ҳам мамлакатларимиз ўртасидаги маданий алоқалар ва дўстлик ришталарини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Ўзбекистон билан Германия ўртасидаги муносабатлар бундан буён ҳам барча соҳаларда тараққий этаверишига ишонамиз.

— Ўзбекистонда туғилиб, шу гўзал дийрда яшаётганимдан жуда бахтиёрман, — дейди немис маданият маркази Фарғона вилояти бўлими бадий раҳбари Вера Клейн. — Фарғона педагогика институтини тамомлаб, қарийб қирк йил давомида махтабда ишладим. Ватанимиз — Ўзбекистонда ўтайдиган барча байрамларда марказимиз жамоаси билан мунтазам иштирок этиб, ўз санъатимизни намойиш этиб келамиз.

Ирода УМАРОВА,
ЎЗА мухбири



Эйбелулла НОСИРҲОДОВ олган суратлар.

Қонунлар лойиҳалари муҳокама этилди



Фракция фаолияти ■ Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда парламент куйи палатаси муҳокамасига киритилаётган қатор қонунлар лойиҳалари кўриб чиқилди.

→ 2

Юртимиз ўғлонлари — тинчлигимиз қалқонлари



→ 4

Ватан ҳимояси — олий шараф

Мамлакатимиздаги олий ҳарбий билим юртлирини битирган ёшлар энди Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида Ватанимиз тинчлигини ҳимоя қилишади.

Малайзия делегацияси Ўзбекистонда

■ Мамлакатимизга ташриф буюрган Малайзиянинг Перлис штати ворис шахзодаси, Перлисдаги Малайзия университети раиси Туанку Сайид Файзуддин Путра Сирожуддин Жамалуллайл зоти олийлари раҳбарлигидаги делегация Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири Баҳодир Ҳодиев билан учрашди.

Мулоқот чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик барча йўналишларда, жумладан, фан-таълим соҳасида ҳам ривожланиётгани, бундан икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани таъкидланди. Таълим соҳасидаги алоқаларни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, хусусан, мамлакатимиз олий таълим муассасалари билан Перлис университети ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

— Ўзбекистонда таълимни ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётгани ва бу борда ҳавас қилса аризулик самараларга эришилаётганига гувоҳ бўлдик, — деди малайзиялик меҳмон. — Мам-

лакатингизда таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар ва эришилган ютуқлар таҳсинга лойиқ. Ўзаро маслахатлашиш ва тажриба алмашиш икки томонлама алоқаларни янада ривожлантиришга хизмат қилади. Ўзбекистон билан таълим соҳасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш истагимиз.

Меҳмонлар пойтахтимиздаги Ҳазрати Имом (Ҳастимом) мажмуига ташриф буюриб, Ҳазрати Имом жомеъ масжиди, Бароқхон мадрасаси, Мўйи муборак зиёратгоҳини кўздан кечирди. Бу ерда Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан амалга оширилган кенг қуламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларига юксак баҳо берди.

Мадина УМАРОВА,
ЎЗА мухбири

Ислам Каримов халқаро турнири

■ Буюк Британиянинг Кент шаҳрида кураш бўйича Ислам Каримов халқаро турнири бўлиб ўтди. Саққизинчи мартаба ўтказилган анъанавий мусобақада дунёнинг ўндан зиёд давлати полвонлари голиблик учун гиламга тушди.

Мурасасиз кечган беллашувларда ёшларимиз ҳам муваффақиятли иштирок этишди. Жумладан, Мухаммадали Норов, Суннатилло Исроилов олтин, Махсум Ражабов, Равшан Жўраев эса кумуш медаль билан тақдирланди.

Катталар ўртасидаги беллашувларда Ҳасан Юсупов (66 кг), Фурқат Маматов (73 кг), Олим Равшанов (81 кг), Шерали Жўраев (90 кг), Эрн Назар Холмирзаев (+90 кг) ўз вази тоифаларида шохсупанинг энг юқори погонасидан жой олди. Уқтам Эргашев (66 кг) эса кумуш медалга сазовор бўлди.



Турнирнинг аёллар ўртасидаги баҳсларида Муқаддас Кубеева (52 кг), Уғилой Нуралиева (63 кг) олтин, Шоҳида Назарова (52 кг) кумуш медаль билан тақдирланди. Ушбу нуфузли мусобақанинг фахрийлар ўртасида кечган беллашувларида ҳам ҳамюртларимиз муносиб иштирок этишди. Жумладан, эркаклар ўртасида навойийлик Мамадали Норов (80 кг), аёллар баҳсида эса фарғоналик Севара Деҳқоновга тенг келадиган курашчи топилмади.

Партия нашри ҳар қандай масалага аввало электорат нуқтаи назаридан қараш, унинг қонуний манфаатлари бузилаётган ҳолатларга дуч келинганда бонг уриши зарур.

→ 2

«Оила паспорти»да шифокор ва ҳамширанинг ўзига бириктирилган ҳудуддаги фаолияти, ютуқ ва камчилиги қафтидагидек кўриниб туради.

→ 3

Эстониянинг евроҳудудга ўтиш масаласи бўйича яқуний қарор Европа Иттифоқи молия вазирлари кенгаши томонидан 13 июлда қабул қилинади.

→ 3

Учинчи турдан жой олган Греция — Аргентина футболчилари баҳсини ҳамюртлимиз Равшан ЭРМАТОВ бошқариб боради.

→ 4



GAZETALARIMIZGA
IYILNING
IKKINCHI YARMI
UCHUN OBUNA
DAVOM ETMOQDA!
VAKTNI BOY
BERMANG!

OB-ҲАВО 22-23.06.2010

	БУГУН	ЭРТАГА
Тошкент	☀️ 36°C	☀️ 37°C
Самарқанд	☀️ 38°C	☀️ 39°C
Нукус	☀️ 40°C	☀️ 40°C
Қарши	☀️ 41°C	☀️ 39°C
Урганч	☀️ 40°C	☀️ 40°C
Навоий	☀️ 38°C	☀️ 39°C
Фарғона	☀️ 38°C	☀️ 37°C
Бухоро	☀️ 37°C	☀️ 39°C
Андижон	☀️ 38°C	☀️ 39°C
Наманган	☀️ 38°C	☀️ 37°C
Термиз	☀️ 42°C	☀️ 40°C
Жиззах	☀️ 37°C	☀️ 37°C
Сирдарё	☀️ 38°C	☀️ 36°C
Тошкент вил.	☀️ 38°C	☀️ 36°C
Лондон	☁️ 26°C	☁️ 27°C
Париж	☁️ 31°C	☁️ 33°C
Москва	☁️ 22°C	☁️ 24°C
Мадрид	☁️ 33°C	☁️ 35°C
Пекин	☁️ 26°C	☁️ 28°C
Гонгконг	☁️ 32°C	☁️ 33°C
Рим	☁️ 31°C	☁️ 30°C
Анкара	☁️ 30°C	☁️ 32°C
Токио	☁️ 26°C	☁️ 27°C
Стокгольм	☁️ 22°C	☁️ 24°C
Кейптаун	☁️ 24°C	☁️ 25°C
Қоҳира	☁️ 34°C	☁️ 33°C
Гавана	☁️ 41°C	☁️ 41°C
Вашингтон	☁️ 31°C	☁️ 30°C

O'zbekiston havo yo'llari



ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI MARKAZIY BANKINING 2010 IYIL 22 IYONDAN BO'SHLAB ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН БЕЛГИЛАГАН ҚЙМЯТИ

1 Австралия доллари	1402,29	1 Миср фунти	280,33	1 СДР	2350,10	10 Жанубий Корея вон	13,56
1 Англия фунт стерлинги	2367,52	1 Канада доллари	1564,40	1 Туркия лираси	1027,19	10 Япония йенаси	175,38
1 БАА дирхам	433,54	1 Ҳингй юани	233,74	1 Швейцария франки	1442,91	1 Россия рубли	51,56
1 АҚШ доллари	1592,25	1 Малайзия ринггити	498,36	1 Евро	1955,99	1 Украина гривнаси	201,23

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

Хизматлар асослашган

Қонунлар лойиҳалари муҳокама этилди



(Давом. Боши 1-бетда.)

«Пиротехника буюмлари муомаласи тартибга солиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда муҳокама этилди. Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси аъзоси Абдил Тўхташевнинг таъкидлашича, биринчи ўқишдан сўнг лойиҳа устида жиддий иш олиб борилди. Хусусан, ҲХДП фракцияси аъзолари билдирган тақлифлар унда ўз ифодасини топди.

«Адлия органлари ва муассасалари фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда муҳокама қилинди. Мазкур ҳужжат Президентимизнинг 2010 йил 5 майдаги «Ўзбекистон Республикасида нотариат институти тўғрисида»ги қарорига асосланган бўлиб, муассасаларни янада такомиллаштириш чоралари тўғрисидаги Фармонининг ижросини таъминлаш мақсадига Вазирлар Маъмуриятининг қарорлари киритилган. Лойиҳада Маъмурий жавоб-

гарлик тўғрисидаги, Фуқаролик, Фуқаролик процессуал, Оила, Солиқ кодексларига, «Нотариат тўғрисида», «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонунларга ҳамда Олий Мажлисининг 2001 йил 12 майдаги «Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати тўғрисида»ги қарорига асосланган бўлиб, муассасаларни янада такомиллаштириш чоралари тўғрисидаги қарорларни қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда нотариатнинг мавқеини оширишга

қаратилган ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тақлиф этилаётган.

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси аъзоси Маъруф Усмоновнинг таъкидлашича, мазкур ҳужжат орқали нотариат институти тушунчаси, нотариусларнинг ҳуқуқлари кенгайтирилмоқда. 2010 йил 15 майдан эътиборан хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар фаолияти тугатилгани муносабати билан аҳолига малакали ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш мақсадида нотариат ҳаракатлар фақат давлат нотариат идораларида ишловчи нотариуслар томонидан Ўзбекистон Республикаси номидан амалга оширилиши тартибини ўрнатиш тақлиф қилинмоқда. Нотариусларнинг малакасини мажбурий ошириш тизими жорий этилмоқда.

Шунингдек, фракция йиғилишида «Монополияга қарши давлат органини қайта ташкил этиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда муҳокама этилди. Қатор қонунлар лойиҳалари биринчи ўқишда кўриб чиқилиб, концептуал жиҳатдан маъқулланди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Франция Миллий мажлиси ўртасида «Ўзбекистон — Франция» дўстлик гуруҳини тузиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Муҳокама этилган барча масалалар юзасидан ҲХДП депутатларининг позицияси белгилаб олинди.

Асли КАМОЛ

Мамлакат тараққиёти

ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириб боришни талаб этади

Сўз — ҲХДП фракцияси аъзоларига ■ Мустақиллик йилларида халқимиз турмуш фаровонлигини ошириш, ҳақ-ҳуқуқи ҳимоясини таъминлашга хизмат қиладиган жуда кўп қонунлар ишлаб чиқилди. Мамлакат тараққиётининг янги босқичга кўтариллиши уларга ўзгариш ва қўшимчалар киритиб боришни талаб этмоқда.

Йил бошида парламент палаталарининг кўшма мажлисида Президентимиз Ислам Каримов фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари вақолатларини кенгайтиришга қаратилган қонунчиликни такомиллаштириш вазифасини ўртага қўйган эди. Қонунчилик палатаси депутатларининг аҳоли билан урғашувлари чоғида «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонуннинг ижроси ўрнида таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, маҳаллаларнинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

Наманган вилоятининг Чортоқ туманида 62 та фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мавжуд. Унинг 9 таси қишлоқ, 53 таси маҳалла фуқаролар йиғинидир. Аҳолининг кўпгина муаммолари фуқаролар йиғинида ҳал этилмоқда. Шунингдек, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жамият учун зарарли хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш, буларга имкон туғдирувчи сабаблар ва шароитларни аниқлаш, бартабар фарқ этиш борасида ҳуқуқ-тартибот органлари ва таълим муассасалари билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда. Мана шу жараён кишиларимизнинг ҳуқуқий, сиёсий маданияти, ижтимоий фаоллиги ошишига

хизмат қилмоқда. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Осойишталикни сақлаш, ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш борасида маҳалла раҳбари, фаоллари, сабонлари катта ишларни бажармоқда. Лекин аҳолини қонунларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларда қонунларга итоаткорлик туйғусини янада қучайтириш масаласидаги ишларни такомиллаштириш талаб этилмоқда.

Шу ўринда яна бир гап. «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонуннинг 24-моддаси тўлақонли бажарилмаётгандай кўринади. Мазкур моддада ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг молиявий асоси белгиланган тартибда ажратилган бюджет маблағлари билан бирга юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий хайр-эхсонларидан ташкил топади деб кўрсатилган. Лекин хайриядан тушайт-

ган маблағлар фақат «Маҳалла» жамғармаси ҳисоб рақамига тушмоқда.

Яна бир ҳолатга эътибор берсак. Қонуннинг 12-моддасида фуқаролар йиғини коммунал хизмат ҳақини тўлиқ тўлашни таъминлагани учун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига маълум миқдордаги фойдаланиш мақсадлари назарда тутилган бўлса-да, айрим жойларда коммунал хизмат кўрсатувчи идоралар бунга риоя этмай келмоқда. Демак, Қонунга ўзгариш киритиб, мажбуриятини бажармаётган ташкилотларнинг маъсулиятини қучайтириш зарур деб ҳисоблаймиз.

Маҳалла институти ўзини оқлаб келаятгани, ҳар бир фуқаро ва маҳалладаги оҳангонларнинг иқтисодий, ижтимоий, маънавий ҳаётида катта ўрни борлигини инобатга олиб, бид депутатлар, бу тизимни янада такомиллаштириш учун амалий тақлифлар киритишимиз лозим.

Дилбар ХОЛИҚОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
ҲХДП фракцияси аъзоси.

Инсон қадр-қиммати

ҲХДП ҳаёти ■ Дунё мамлакатлари трансмиллий жинойтлар сирасига кирувчи одам савдосининг турли кўринишларида ҳамон жабр кўрмоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан одам савдосининг олдини олиш, унга қарши курашиш борасида қатор халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинганига қарамай, бу жинойт билан шуғулланиш давом этаётган.

Мамлакатимизда ҳам «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида» Қонун қабул қилинган. Одам савдоси, айниқса, аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш ҳамда унга чек қўйишга қаратилган халқаро ҳужжатлар ратификация қилинган.

Мазкур ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини аҳолига, партияимиз элоратига тушуқтириш, уларнинг бажарилиши устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш муҳим аҳамиятга эга. Ўзбеки-

тон Халқ демократик партияси Қашқадарё вилоят кенгаши Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг вилоятдаги минтақавий вакили, вилоят ички ишлар бошқармаси, «Нуроний» жамғармаси вилоят бўлими билан ҳамкорликда «Одам савдоси — инсониятга, инсон қадр-қимматига қарши жинойтлар» мавзудаги давра суҳбати ташкил этилди. Унда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашилар депутatlари, партиянинг «Фаол аёллар» ва

«Истикбол» ёшлар қанотлари етакчилари, Қарши давлат университети профессор-ўқитувчилари иштирок этди.

Давра суҳбатида «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Қонун талабларининг вилоятда бажарилиши тўғрисида Қарши давлат университети ректори, Омбудсманнинг вилоятдаги минтақавий вакили Муродулла Нормуродов сўз юритди. Айниқса, бизнинг элоратимизда вакиллар кўпроқ одам савдоси қурбонига айланмоқда, дея таъкидлади у. Шу сабабдан ҳам бу масалада тарғиботнинг самарали усулларидан кўпроқ фойдаланиш талаб этилмоқда.

Вилоят ички ишлар бошқармасининг инсон ҳуқуқлари ни ҳимоя қилиш ва юридик бўлинимаси бошлиғи, майор Чори Қўчқоров ушбу йўналишда ички ишлар идоралари томонидан олиб борилаётган

ишлар, бу соҳада жамоатчилик билан ҳамкорликни қучайтириш масалаларига алоҳида тўхтади. Одам савдосига самарали қарши курашда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига жамоат ташкилотлари, ўзини ўзи бошқариш органлари, қолаверса ҳар бир фуқаро ёрдам кўрсатиши зарур, деди у.

Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг қонунчилик, ҳуқуқ-тартибот ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш масалалари доимий комиссияси раиси Эсонбой Ражабов қонунлар ижросини таъминлашда депутатларнинг назорат-таҳлил фаолияти тўғрисида сўз юритди. «Нуроний» жамғармаси вилоят кенгаши раиси, партиядан халқ депутatlари вилоят Кенгаши депутatlари Январ Иноятов одам савдосига қарши ҳамкорликда иш олиб бориш, аҳолининг, айниқса, ёшларнинг бандлиги масаласига эътиборни қучайтириш хусусида ўз мулоҳазаларини билдирди.

Музаффар ТУРОПОВ

СИЁСИЙ ПАРТИЯ ГАЗЕТАСИ

олдида бугун долзарб ва масъулиятли вазифалар турибди

Таҳлил ва танқид ■ Мамлакатимизда кўп партиявийлик шароитида партияларро рақобат, электорат ишончини қозониш йўлида тортишувлар тобора қучайиб бормоқда. Бу эса қайсидир маънода партиялар газеталарида ҳам кўзга ташланмоқда.

Президентимиз Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг кўшма мажлисидаги маърузасида сиёсий партиялар ва уларнинг нашрлари олдида бир қатор вазифалар кўйди. Ушбу амалий тавсиялардан келиб чиқиб, ҳар бир партия ва унинг наشري ўз фаолиятини ўзгариштиришга ҳаракат қилаётган. Лекин шунини оқибат олишимиз керакки, уришларимиз изчил ва давомли эмас. Вақт эса ҳамма вақт, ҳамма замонда ҳам шафқатсиз. Яъни ҳеч қачон ҳеч қачон кутиб турмайди.

Электорат билан ишлашда замонавий усул, сиёсий технологиялар

Партия нимаси билан қудратли? Партиянинг жамиятда тутган ўрни, мавқеи қандай мезонлар билан ўлчанса? Одамлар қандай сиёсий куч ортидан эргашиши, келгуси сайловларда қайси партиянинг номзодларини қўллаб-қувватлайди? Қайси партиянинг ҳаракат дастури ҳаётга кўпроқ яқин?

Бугун замон, дунёқараш ўзгарди. Энди одамларни қуруқ ваъдалар, ҳаётдан узоқ, баладларвоз гаплар билан чалғитиб бўлмайди. Мана шундай бир вазиятда сиёсий партиялар учун ягона йўл ўз электорати ишончини қозонишдан иборат. Бунга эса осонликча эришиб бўлмайди. Даставвал партия ўз электоратини, унинг муаммоларини аниқ-равшан билиб, ҳал этиш чораларини белгилаб олиши керак. Бунда бошқа сиёсий кучлар гоёларга ўхшамайдиган электорат манфаатларини асосли ҳимоя қилишнинг замонавий усул ва технологияларини ишлаб чиқиш, ўзига хос ҳаракат механизмини яратиб талаб қилинади. Ушандагина сиёсий партиянинг ўз электорати олдидаги обрў-эътибори мустаҳкамланиб, жамиятдаги мавқеи ошиб бораверади.

Сиёсий партия ва унинг газетаси электоратни ҳимоя қилиши, уни қийнаётган муаммоларни бартараф этиши учун бугун айнан нималарга эътибор қаратиши лозим? Бизнингча, барча бугундаги партия ташкилотлари ва депутатлик корпуслари ҳамда партия матбуоти ишида ҳамжihatчилик, изчиллик тамойилига амал қилиниши зарур. Масалан, чекка бир қишлоқда яшовчи электорат вакили ўзига тегишли муаммони шу ҳудуддаги партия бўғини ўз ваколат ва имкониятлари доирасида ҳал қилиб беришига ишончи зарур.

Мабодо қутилган натижага эришилмаса, масалани вилоят партия кенгаши, халқ депутатлари вилоят кенгашидаги депутатлик гуруҳи вақолатлари доирасида ҳал этиши ёки ҲХДП Марказий Кенгаши, Қонунчилик палатасидаги ҲХДП фракцияси даражасига кўтариб чиқиши керак. Ушандагина электоратнинг партияга бўлган ишончи янада ортади. Энди у нафақат партияни қўллаб-қувватлайди, балки унинг гоёлари тарғиботчи ва айланади. Бу масаланинг бир томони. Иккинчидан, биз баъзи ўринларда мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдалана олмаётган. Яъни ҳаракатларимизда жипслик эмас, тарқоқлик бор. Мана шундай ҳолатларга баъзан партия наشري ҳам бефарқ қарайди. Журналистларга хос бўлган журъёт, жасорат ҳамма вақт ҳам етишмайди. Бу нимага олиб келади? Мана шу жойда юқорида таъкидланган ричагни ишлата олмаёсан, электоратнинг партияга бўлган ишончи йўқолади.

Шу ўринда яна бир гап, партия ўз электорати билан ишлашда мун-

тазамликка, изчилликка эришиши, яъни муносабатларда яқинлашиш, шароитни чуқур ўрганиши, таҳлил қилиш, ҳамфикрлик гоёлари усту туриши керак.

«Тиш-тирноқли» мақолалар

Тан олиш керак, бугун партия газеталарида баҳс-мунозараларга чорловчи, очик-ошқора руждаги мақолалар кам. Бу эса жамоатчиликни электорат дуч келаятган муаммолардан ўз вақтида хабардор қилишда оқшага олиб келаяпти. Қолаверса, Президентимиз таъкидлаганидек, **ўз хизмат жойида зиммасига юклаган мажбуриятларни ундамай олмайётган давлат органлари, ҳўжалик бошқаруви, назорат ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимларининг раҳбарлари** ҳамон ислохотларга ҳалақит бераётгани ҳам бор гап. Шу ўринда партия наشري таъаббусни ўз қўлига олиб, бундай салбий ҳолатлар билан мурося қилиб бўлмаслигини жамоатчиликка етказиши зарур.

Бугун замон, дунёқараш ўзгарди.

Мамлакатимизда кам таъминланган аҳоли қатлами манфаатларини ҳимоя қилишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Яъни ижтимоий ҳимоя масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Лекин баъзида эҳтиёжманд, ёрдамга муҳтож, боқувчисини йўқотган оилаларга ажратилаётган нафақалар ҳақиқий эгасига етиб бормаётгани, акинча ўзига тўқ оилаларга тақсимланаётган ҳолатлар ҳам учраётган. Тўғри, бу борада матбуотда чиқишлар қилинапти. Лекин бу етарли эмас. Газета ҳар қандай масалага аввало партия электорати нуктаи назаридан қараш, унинг қонуний манфаатлари бузилаётган ҳолатларга дуч келинганда бонг уриши зарур.

Бу эса партия матбуоти ҳаммаши уйғок, сергак бўлиши, долзарб мавзуларда дадил чиқишлар қилиши лозимлигини кўрсатмоқда.

Сайловдан — сайловгача

Сайлов арафасида сиёсий партиялар нашрлари қутилганидан ҳам фаоллашиб кетади. Аслида мантиқан ўйлаб қарайдиган бўлсак, сайловларга сайловдан-сайловгача тайёрлик қилиш керак. Сайлов тарғиботи вақтида сайловчиларга шу даражада кўп ахборот тикшиштириладики, уни одамлар қабул қилиши ҳақида ўйлаб ҳам кўрмаймиз.

Мутахассисларнинг фикрича, тарғибот-ташвиқот ишлари мунтазам олиб бориладиган тақдирдагина қутилган натижани беради. Одамлар онгига сингизиши осон кечади.

Шу ўринда яна бир гап: партия томонидан депутатликка кўрсатиладиган номзодлар масаласида ҳам партия наشري олдида қатор масъулиятли вазифалар қўйилади. Бунда газета кузатиш, таҳлил қилиш, ўрганиш, имкониятларни чамалаб кўриш концепцияси нуктаи назардан ҳаракат қилиши лозим. Партиянинг фаол аъзолари, хайрихоҳлари, мустақил фикрли, жамиятда юз бераётган воқеа-ҳодисаларга бефарқ бўлмаган, ўз ус-

тида ишлайдиган, замон билан ҳамнафас, дунёқарашни кенг, фаол фуқаролик позициясига эга бўлган кишиларнинг партия нашрларида чиқишларини ташкил қилиш, уларнинг фикр-мулоҳазаларидан ўринли фойдаланиш сайлов жараёнларида шубҳасиз қўл келади.

Шунингдек, партия томонидан танланадиган номзод устида иш олиб боришни ҳам сайловдан — сайловгача давом эттириш лозим. Бунда газетанинг ўзига хос минбар сифатида роли беқиёс.

Ўз нуктаи назарингиз борми?

Маъқуллаш, қўшилиш ҳамма вақт ҳам ўша масала тўғри эканлигини билдирмайди. Аксинча фикр ожизлиги, журъатсизлики англатади. Аслида атрофда юз бераётган жараёнларга нисбатан ҳар бир партия нашрининг ўз нуктаи назари, қатъий позицияси бўлиши керак. Мамлакатимиз

раҳбари айтганидек **умумий гаплардан амалий фаолиятга ўтиш, чуқур ўйланган, шу жумладан, муқобил, рақобатдош лойиҳалар ва ҳар қайси партиялар ёки ҳар қандай аниқ мақсадли вазифаларни ўзида мужассам этадиган дастурларни тақдим этган ҳолда, фаол иш олиб бориш даври келганини таъкидлаш лозим.**

Мазкур талабни ундаш учун, энг аввало, мустақил фикрга, аниқ позицияга эга бўлмоқ керак. Янгиланиш, сиёсий фаоллик фикрлар хилма-хиллиги туфайли юзага келади. Аллақачон ўз умрини яшаб бўлган эскича қарашлардан батамом воз кечиш зарур.

Мазмун ва шакл уйғунлиги

Президент ҳузурдаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчилари билан бўлган бир суҳбатда бугунги партия газеталарининг шакли, гоёвий мақсадни ифодалашда қўллаётган услублари ҳақида гап кетди ва суҳбат асносида кўпчилик партия газетаси ихчам ва осон қабул қилинадиган шаклга эга бўлиши лозим деган мулоҳазани айтди. Тўғриси, ўйлаб кўрсам, бу гапларда жон бор.

Бугун анъанавий А-2 форматда чоп этиб келинаётган газеталар аллақачон ўз ўрнини А-3 форматдаги газеталарга бўшатиб бормоқда. А-2 форматда газеталар чоп этилади, аммо уларнинг аксарияти кўп саҳифада.

Бугун нафақат партия нашрлари, балки бошқа газеталаримизда ҳам дизайн масаласи устида жиддий изланишлар олиб борилиши талаб этилмоқда. Бу борада малакали кадрларга эҳтиёж жуда катта. Лекин улар қаерда тайёрланади? Ачинарли томони, газета-журналлар саҳифаловчи-дастурчилари асосан ўз курсларини тугатганлар ёки ўзлари мустақил равишда ўрганганлардан иборат. Бу эса газеталар кўёфасини замонавийлаштиришга ҳалақит бериб келмоқда.

Газета яшаб қолиши, катта нусхада чоп этилиши, ўз ўқувчиларини йўқотиб қўймаслиги учун бугун ҳаракат қилиши, изланиши, янгиланиш давр тақозоси эканлигини унутмаслигимиз лозим. Ушандагина сиёсий партия газетаси олдида турган долзарб ва масъулиятли вазифаларини ечишимиз, ҳал этишимиз мумкин.

Хулоса ўрнида шуни тақрор айтганики, вақт бизни кутиб турмайди.

Фаррух ҲАМРОЕВ



Юрт равнақи

Хотин-қизларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликда намоён бўлади

Аёл ва жамият ■ Дунёда хотин-қизлар орасидан етишиб чиққан кўллаб машҳур жамоат ва фан арбоблари бор. Улар қайси миллат, дин ва маданиятга мансуб бўлмасин, ўзларида етакчилик, бунёдкорлик, яратувчанлик фазилатларини мужассам этишган.

Биргина теурийлар давридаги аёллар фаолиятини ўрганган киши, уларнинг давлат сиёсатидаги ўрни ҳақида қимматли маълумотларни билиб олади. Бу эса юртимизда азал-азалдан аёллар мамлакат ижтимоий-сиёсий, маданий ҳаётида муҳим ўрин тутганидан далolat беради.

Бирок тарихимизни чуқур таҳлил қилсак, фақат мустақиллик йилларига келиб хотин-қизларнинг сиёсатда, жамият ҳаётида фаоллик кўрсатиши, етакчилик қила олиши тўла маънода ҳуқуқий жиҳатдан кафолатланганига гувоҳ бўламиз.

Бугун аёл — олима, шифокор, муаллим, депутат, сенатор, йирик-йирик корхона ва ташкилотларнинг оловқалб раҳбари. Аёл — она, у бугун мустақил Ватанимизни севадиган, унга жонини фидо қиладиган ўйил қизларнинг бош тарбиячиси.

Мамлакатимиз қонунчилигида сиёсий партияларнинг Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига кўрсатаётган номзодларнинг камида 30 фоизи хотин-қизлар бўлиши белгиланган. Президентимиз фармонида кўра туман, шаҳар, вилоят хотин-қизлар кўмиталари раисларига бир вақтнинг ўзида жоним ўрин-босарлари маком берилган, маҳалла фуқаролар йиғини раиси маслаҳатчиси лавозимига ижтимоий фаол хотин-қизлар тайинланаётгани ҳам фикримиз далили бўла олади.

Бугунги кунда юртимизда турли тармоқлардаги муассасалари оқилона бошқараётган фаннинг кўллаб соҳаларида иштирок этаётган мунис аёлларимиз борлиги билан фахрланамиз.

Шунингдек, адабиёт, маданият, санъат, фан ва таъ-

лим йўналишларида иктидорли қизлар вояга етишаётгани ва улар ҳар йили Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланаётгани зебо қизларимиз қалбида истеъдод куртаклари пайдо бўлишига хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда «Соғлом она — соғлом бола» Дастури доирасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар, хотин-қизлар меҳнатини рағбатлантириш борасида белгиланаётган кўшимча чора-тадбирлар ва яратилаётган шарт-шароитлар аёлга кўрсатилаётган ҳурмат — эътиборнинг ёрқин намунаси.

Зеро, жамиятнинг иқтисодий-ижтимоий, маънавий-маърифий ривожига даражаси хотин-қизларга бўлган муносабат билан белгиланади. Шу боис пойтахтимиз марказидаги Мустақиллик ва Эзгулик монументи таркибиде Озодлик нафасидан баҳра олган аёлларимиз тимсоли бўлган «Бахтиёр она» ҳайкали бунёд этилди. У юрт саодати, фаровонлиги учун бунёдкорлик, яратувчанлик йўлида етакчи бўлиши билан бирга элда, маҳаллада обрў-эътибор қозонган, ўз уйида бахт топган, фарзандини, невараларини суйиб эркалаётган оналаримиз тимсолидир. Биз аёлларни бошида кўтариб эъозлаётган шундай юртда яшаётганимиздан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Ва албатта, биз бундай имкониятлардан самарали фойдаланишимиз лозим.

Злиха ЖУМАНИЁЗОВА,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тинловчиси, ЎзХДП фаоли.

Биз инсон саломатлиги учун курашамиз...

— дейди Учтепа туманидаги 25-оилавий поликлиника бош шифокори, ЎзХДП фаоли Саида Расулова

«Баркамол авлод йили» Давлат дастури — амалда

■ Мазкур дастурда: «...соғлом бола туғилиши ва уни тарбиялаш масалалари бўйича аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини авж олдириш орқали соғлом авлодни шакллантириш борасидаги чора-тадбирларни янада кучайтириш» вазифаси белгилаб қўйилган.

— **Гузар, Қўҳна Чўпон ота, Дўстлик, Бирлик, Богобод маҳаллаларида яшайдиган 32 минг 179 нафар аҳолига хизмат қиламиз, — дейди бош шифокор Саида Расулова. — Худудимиз аҳолисининг 1894 нафари ўсмирлар, 7 минг 793 нафарини фертил ёшидаги аёллар ташкил этади. Муассасамизда 20 нафар оила шифокори, 48 нафар ҳамшира, 16 нафар кичик тиббиёт ходимлари фаолият кўрсатади. Шифокор қабулига келган аёлни суҳбатга тортдик.**

— **Биринчи фарзандим Дилшода уч ойлик бўлди, — дейди Бирлик маҳалласида яшовчи Дилором Қодирова. — У соғ-саломат ўсапти. Оила ҳамшираси Линура она кунора уйимизга келади, чақалоқни тўғри парвариш қилиш, овқатлантириш, ухлатиш, ҳатто қандай товушда алла айтишгача маслаҳат беради. Оила шифокоримиз Мамлакат она Абдуллаева хомладорлигимда ҳар кунни биз, она-боланинг соғлигини назорат қилиб турди.**

Худудда 13 минг 341 та оила бор, ҳар бир шифокорга 1,5 мингта оила бириктирилган. Худуд аҳолиси 13 нафар олий тоифали, 4 нафар биринчи тоифали, 3 нафар оила шифокори тиббий хизмат кўрсатади. Улар «Саломатлик-2» лойиҳаси бўйича ўн ойлик курсларни ўташган.

Кези келганда, Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси томонидан ҳар бир оилага «Оила паспорти» тарқатилганини таъкидлаш лозим. Аҳоли саломатлигини муҳофаза-лашда «Оила паспорти»нинг аҳамияти катта. Паспортда шифокор ва ҳамширанинг ўзига бириктирилган ҳудуддаги фаолияти, ютуқ ва камчилиги қайтадан аёлининг кўриниб туради. «Оила паспорти»да шифокорнинг иш жадвали, мулоқот учун



телефон рақами ёзиб қўйилган. Профилактика машғулоти, болаларни эмлаш учун оғохлантириш қайд этиб борилди.

— **Соғлигимизни асраш учун тушунтириш курси оила шифокорига қўйилган. — дейди Саида Расулова. — Шу боис, аҳолига патронаж хизмати кўрсатишга эътиборни кучайтиряймиз. Масалан, шифокор «ўз оиласи»даги ҳар бир аъзонинг турмуш шароити, ёши, касби, ўқиши, феъл-атвори, овқатланиши, дам олишига кузатиб боради, бу эса унда бирон-бир касаллик белги берса, ўз вақтида унинг олдини олишга имкон туғдиради.**

Масалан, бугунги кунгача туғиш ёшидаги аёлларнинг 96,4 фоизи тиббий кўрикдан ўтказилди. Шифокорлар ҳафтанинг пайшанба кунини режа асосида маҳалла оқсоқоллари, хотин-қизлар кўмитаси билан ҳамкорликда профилактика тадбирларини, айтилик, хомладор аёлларнинг хонадониде бўлади. Хомладорлар зарурат бўлса, скрининг марказига

юборилади. Натижада худудда 2008, 2009 йилларда туғма нуқсонли болалар туғилиш ҳолати қайд этилмади.

— **Уткир шолга қарши миллий эмлаш кампаниясининг биринчи ва иккинчи босқичига худуддаги 5 ёшгача бўлган 2 минг нафар бола қамраб олинди.**

— **Ўттиз йил педиатрлик қилдим. Лекин замон билан ҳамнафас қадам ташлаш учун умумамалиёт шифокори ўн ойлик курсни тамомладим, — дейди Бирлик маҳалласининг оила шифокори Мамлакат Абдуллаева. Поликлиникамиз қошида «Ёш оналар мактаби» ташкил қилинган. Биз она ва боланинг соғлигини хомлашнинг дастлабки, ҳафтасидан бошлаб мунтазам назорат қилиб бора-миз.**

Поликлиника биноси 2005 йили тўлиқ капитал таъмирдан чиқарилди. Худди шу йили «Саломатлик-2» лойиҳасига экспериментга киришганда поликлиника 10 миллион сўмликдан ортқ за-

монавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Шунинг алоҳида мамнуният билан айтиб ўтиш керакки, Лариса Ҳасанова, Раъно Турдиева, Мамлакат Абдуллаева, Мўтабар Рисқулова, Камола Махаматова, Гулхумор Алламова каби жонқуяр шифокорлар хонадон

Хорижда Европа иттифоқи етакчилари маъқулладилар

■ Европа Иттифоқининг Брюсселда бўлиб ўтган мажлисида ташкилотга аъзо 27 та давлат бошлиқлари ва ҳукуматлар раҳбарлари Эстониянинг келгуси йил 1 январдан евро пул бирлигига ўтиши ҳамда Исландияни Европа Иттифоқига аъзоликка қабул қилиш юзасидан музокараларни бошлаш масаласини маъқулладилар.



«Новости» АА хабарига қараганда, бу масалалар ўтган ҳафта Еврогурӯх (евро муомалада бўлган 16 та давлатнинг молия вазирлари) ва Экофин (Европа Иттифоқига аъзо 27 та мамлакатнинг иқтисодий ва молия вазирлари йиғини) ҳамда Европа Иттифоқига аъзо давлатлар ташқи ишлар вазирлари томонидан маъқулланган.

Эстониянинг еврохуқудга ўтиш масаласи бўйича яқуний қарор Европа Иттифоқи молия вазирлари кенгаши томонидан 13 июлда қабул қилинади.

Учувчилар талаби

қондириладиган бўлди

■ АҚШнинг «Spirit» авиакомпанияси маъмурияти ўз учувчиларига ён босишга мажбур бўлди.



Ҳап шундаки, «AFP» АА хабар беришича, учувчилар 12 июндан бери иш ташлашни давом эттириб, маошлари ҳеч бўлмаганда «JetBlue Airways» ва «Airtran Airways» сингари кам буюджетли авиакомпаниялар даражасида оширилишини талаб қилдилар.

Умуман, учувчилар касба уюшмалари бу талабни уч йилдан бери кун тартибига қўяди. Ниҳоят учувчилар орузси ушаладиган бўлди.

Интернетга кириш

таққиланади

■ Россиянинг Коммуникация ва алоқа вазирлиги ўн ёшгача бўлган болаларнинг интернетга киришини таққиллаш масаласини муҳокама қилмоқда.

Вазир Игорь Шеголевнинг айтишича, дейлади ИТАР-ТАСС ахборотида, ушбу дунёвий «Ургимчак тури»да болалар тарбиясига, интеллектуал, дунёқарошига салбий таъсир этувчи маънавий ҳаф ва таҳдидлар борки, бу уларнинг мурак қалблари ва тасавуриларини бошқа «ўзан»ларга солиб юбориши мумкин.

«Узстандарт» агентлиги жамоаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Машинасозлик, электротехника ва авиация санаятини ривожлантириш, маҳсулотларни стандартлаштириш масалалари ахборот-таҳлил департаменти мудири **Суннат БАДАЛОВ**ни вафот этганига муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардик изҳор этади.

Вниманию организаций и предприятий!

Инжиниринговая компания служба единого заказчика хокимията Хорезмской области

ПОВТОРНО ОБЪЯВЛЯЕТ ОТКРЫТЫЙ КОНКУРСНЫЙ ТОРГ

на выполнение строительного контракта по проекту:

№ п.п	Наименование объектов	Старт.ст-ть заказчика (тыс.сум) без НДС	Старт.ст-ть заказчика (тыс.сум) с НДС	Срок завершения стр-во
1	Капитальный ремонт общежития на 220 мест ПК (политехника и предпринимательство) в г.Ургенче Хорезмской области	96329,69	115595,628	до 15.08.10г

Заказчик: Инжиниринговая компания служба единого заказчика хокимията Хорезмской области, расположенный по адресу: г.Ургенч ул. Ал Хоразмий — 23.

Реализация проекта осуществляется за счет средств государственного бюджета. Предприятия и организации, выступающие в качестве претендентов должны соответствовать следующим требованиям: иметь оборотные средства в размере не менее 20% от стоимости предмета конкурсных торгов или поручительство банка на предоставление указанных средств, производственные

базы, трудовые ресурсы и специалисты, необходимых для выполнения работ (услуг), обладать опытом работы на объектах, аналогичных конкурсному объекту, гражданской правоспособностью и полномочиями на заключение договора.

При участии в конкурсных торгах отечественных и зарубежных строительных организаций, при оценке конкурсных предложений предусматриваются следующие ценовые преференции для отечественных подрядчиков: при проведении оценки конкурсных предложений участников конкурсных

предложения с импортной поставкой работ (услуг), по которым импортеры в соответствии с законодательством освобождаются от налога на добавленную стоимость, досчитываются на сумму указанного налога.

Если деятельность связанная с выполнением работ (услуг), подлежит лицензированию, то к участию в конкурсных торгах допускаются претенденты, обладающие соответствующей лицензией, выданной в установленном порядке или имеющие гарантийное письмо субподрядчика, обладающего лицензией на выполнение вышеуказанных

работ (услуг). Для участия в торгах и приобретения конкурсной документации необходимо обратиться с запросом к организатору торга — в консалтинговый центр по конкурсным торгам и ценообразованию в строительстве Хорезмской области, расположенному по адресу: г.Ургенч, ул. П.Махмуда, 10. Тел. 226-92-25

Стоимость одного комплекта документов — 60 000 сумов. **Оферты принимаются организатором торгов по вышеуказанному адресу.** Крайний срок представления оферт организатору торгов ко дню и часу вскрытия оферт.

Вскрытие оферт состоится не менее чем через 15 дней после опубликования объявления по адресу: г. Ургенч, ул. П.Махмуда, 10, тел. 226-92-25

Ташкилотлар ва корхоналар раҳбарлари диққатига!

Сурхондарё вилояти Ички ишлар бошқармаси УЯ-64/8 тергов ҳибсхонаси

қуйидаги объект қурилиши бўйича пудратчи ташкилотни танлаш юзасидан очиқ танлов савдоси ўтказилишини эълон қилади:

Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳридаги УЯ-64/8 тергов ҳибсхонасининг тўсиқ деворини мукамал таъмирлаш. **Объектнинг бошланғич нархи:** қўйилган қиймат солиғи билан бира — 119,335 млн.сўм, қўйилган қиймат солиғисиз — 99,446 млн.сўм, қурилиш муддати — 60 кун.

Буюртмачи: Сурхондарё вилояти, Ички ишлар бошқармаси УЯ-64/8 тергов ҳибсхонаси.

Манзили: Термиз шаҳри, Ч.Сафаров кўчаси, 55-уй, Тел/факс: (8-376) 223-72-39, 223-72-37.

Объектнинг қурилиш ишларини молиялаштириш Давлат бюджетни маблағи ҳисобидан амалга оширилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: танлов савдолари предметининг 20 фоизи микродаридеги айлана маблағнинг ёки қўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномасига,

ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари ва фирмалари иштирок этганда, уларнинг танлов тақлифлари баҳоланганда мамлакатимиз пудратчилари учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутилади: танлов иш-тирокчиларининг тақлифларини баҳолаш жараёнида танлов тақлифларида четдан (хизматлар) киритилиши кўзда тутилганда ва бунда импорт қилувчилар қонунга мувофиқ қўшимча қиймат со-


лигидан озод этилган бўлса, тақлиф қўшимча қиймат солиғи суммасига қўшиб ҳисоблаган ҳолда баҳоланади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — «Ўздавархитектуриш» кўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сурхондарё вилояти ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин: **Термиз шаҳри, Амир Темур кўчаси, 69-уй, телефон/факс: (8-376) 222-44-73, 222-44-76.**

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 60 000 сўм.

Тақлифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охириги муддати — оферталар очилиши кунни ва соати.

Тақлифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: Термиз шаҳри, Амир Темур кўчаси, 69-уйда ўтказилади.



Кимга байрам, кимга алам?!

Жанубий Африка Республикасида давом этаётган XIX жаҳон чемпионати ҳал қилувчи паллага кириб бормоқда. Мусобақанинг гуруҳ босқичи иккинчи тур ўйинлари мухлисларга бир қатор қутилмаган натижаларни тухфа этди.



«А» гуруҳида тўп сураётган мезбонлар Уругвай терма жамоасига йирик 0:3 ҳисобида имкониятни бой берди. Мазкур гуруҳда қатнашаётган 2006 йилги жаҳон чемпионати финалиси Франция футболчиларининг мексикаликларга 0:2 ҳисобида ютқазиб қўйганликлари ҳам кўпчиликини ажаблантирди. «В» гуруҳида дастлабки турда Нигерия футболчиларини 1:0 ҳисобида енгган Аргентина вакиллари иккинчи турда Жанубий Корея терма жамоасини мағлубиятга учратиб (4:1) муддатидан илгари кейинги босқич йўлланмасини нақд қилишди. Гуруҳдаги иккинчи учрашувда грецияликлар Нигерия терма жамоаси устидан зафар қучишди — 2:1. Иккинчи турда ҳамюртимиз ФИФА рефериси Равшан Эрматов «С» гуруҳининг Англия — Жазир терма жамоалари баҳсини муваффақиятли бошқарди. Бу ўйинда ҳисоб очилмади. Гуруҳнинг Словения — АКШ футболчилари учрашуви ҳам дуранг билан якунланди — 2:2. Чемпионатнинг яна бир шов-шувли натижаси «Д» гуруҳининг Германия — Сербия терма жамоалари учрашувиде қайд этилди. Дастлабки турда Австралия вакиллари 4:0 ҳисобида енгган германиялик футболчилар бу гал майдондан бош эгиб чиқиб кетишди — 0:1. Гуруҳнинг иккинчи баҳсида Гана — Австралия футболчилари учрашувиде ҳисоб — 1:1.

«Е» гуруҳининг дастлабки турида Дания терма жамоаси дарвозасига жавобсиз икки тўп йўллаган голландлар кейинги баҳсда японияликларни (1:0) енгилди ва муддатидан олдин плей-офф учрашувига йўлланма олдилар. Мусобақада имкониятлари юқори баҳоланган Камерун футболчилари эса кетма-кет икки бор мағлубият аламини торттишга мажбур бўлдилар. Улар гуруҳ босқичидаёқ чемпионат билан хайрлашадиган бўлишди. Кўпчилик амалдаги жаҳон чемпиони — Италия терма жамоасидан ёрқин галабалар кутаётганлиги «Ф» гуруҳида иштирок этаётган италияликлар аввалига Парагвай футболчилари билан 1:1 ҳисобида дуранг ўйнашди. Иккинчи турда Янги Зеландия футболчилари билан кечган учрашувда ҳам муроса йўли танланди — 1:1. Словакия футболчилари дарвозасига жавобсиз икки тўп киритган Парагвай терма жамоаси эса гуруҳ пешқадамига айланб олди. «Г» гуруҳининг биринчи учрашувиде КХДР терма жамоасини катта қийинчилик билан доғда қолдирган Бразилия футболчилари иккинчи ўйинда Кот-д'Ивуар вакиллари рақибларини рақибитишди — 3:1. Кетма-кет қозонилган икки галаба бразилияликлар учун муддатидан илгари кейинги босқич эшикларини очди. Кеча ўтказилган «Г» гуруҳининг Португалия — КХДР (7:0) «Н» гуруҳининг Чили — Швейцария (1:0), Испания — Гондурас терма жамоалари учрашувлари билан иккинчи тур ўйинларига якун ясалди. Бугун гуруҳ босқичининг охириги тур ўйинлари бошланади. Эътиборлиси, унчинчи турдан жой олган Греция — Аргентина футболчилари баҳсини ҳамюртимиз Равшан Эрматов бошқариб болади.

Эркин ХОЛБОВО

ЮРТИМИЗ ЎҒЛОНЛАРИ — ТИНЧЛИГИМИЗ ҚАЛҚОНЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Мазкур университетнинг махсус факультетиде ўн еттинчи йилдири, етук офицер кадрлар тайёрланапти. Уларнинг зиммасидаги масъулият ниҳоятда катта. Чунки, ҳозирги замон — аҳборот даври, тезкор алоқа қилган ютади. Мамлакатимизда бугунги кун талабига жавоб берадиган юқори малакали кадрлар тайёрлашга жиддий эътибор берилётгани сир эмас. Офицерлар сержант ва аскарларнинг устози, энг яқин маслаҳатчиси ҳисобланади. Битирув тантаналари эса ҳақиқий байрамга айланди. Беш йиллик ўқиш-ўрганиш, машқ майдоналаридаги синовлар ортда қолди. Бугун улар етуклик дипломини олар экан, Мудофаа вазирлиги, университет раҳбарлари, жамоат ташкилотлари вакиллари ҳамда ота-оналарини яна бир бор юртимиз оқошталгани ва давлатимиз дахлсизлиги йўлида бутун кучларини сарфлашга қаратилганлиги ишонтирди.

Уз навбатида эгнига офицерлик либосини кийган марди майдонларга юрт тинчилиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги йўлида муваффақият тиланди. Битирув тантаналарида вилоятлардан келган меҳмонлар ҳам иштирок этишди. Санжар Мингбоев ҳам тенгдошлари қатори ҳақиқий ҳарбий хизматга отланапти. Уни табриклагани онаси Хусния Ниёзова атайин Қўшрабоднинг «Шована» қишлоғидан келибди. — Жуда ҳаяжонданман, — дейди у. — Уч ўғлим, икки қизим бор. Оналар учун фарзанднинг мана шундай қувончига шерик бўлиш, уни яхшилар қаторида кўриш катта бахт. Ўғлим халқимиз ишончини оқлашига ишонаман. Шу кун Мудофаа вазирлигига қарашли барча олий ҳарбий таълим муассасаларида ҳам битирув тантаналари бўлиб ўтди. Ватанимизнинг ўқтам ўғлонлари — офицерлар бизнинг қалқонларимиз. Уларни энди ҳарбийликнинг машаққатли, лекин шарафли синовлари кутмоқда.

Равшан ШОДИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири. Суратларда: тантанадан лавҳалар.



Экддулла НОРМУРДОВ олган суратлар.

Ёшлиқда олинган билим ёки Тошкент молия институти қошидаги 2-сон академик лицейи фаолияти ҳақида



Ҳозирда лицейда 489 нафар ўқувчига 41 нафар тажрибали ўқитувчи-мураббий таълим-тарбия бериб келмоқда. Айни пайтда юқори босқич ўқувчилари битирув имтиҳонларини аъло баҳолаб борапти, ўзлари орзу қилган олий ўқув юртиларига ҳужжат топшириш ниятида. Академик лицейимизда ўқувчиларга асосан иқтисодий йўналишда таълим бериш билан бирга уларни олий ўқув юртиларига ўқишга киришга тайёрлаб борапти, — дейди лицей директори Собитжон Якубов. — Шу боис ҳар бир фанни чуқурлаштирилган тарзда ўқитиш учун дарсларни янги педагогик технологиялар асосида ўтаётимиз. Ўқувчилар устозларидан олган назарий билимларини амалиётда ўзлари қўллашлари учун энг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган кимё, физика ва биология лабораториялари, ўзимизда ва хорижда таълим соҳасида эришилган ютуқлардан боқабар бўлишлари учун интернет тармоғига уланган компьютер хонаси ҳамда хорижий тилларни мукаммал ўргатишга ихтисослашган лингафон хоналари мавжуд бўлиб, улар доимо билимга чанқоқ ёшлар билан гавжум.

Таълим муассасасида ёшларнинг бўш вақтларини самарали ташкил этиш мақсадида турли хил фан ҳамда спорт тўғрисида фаолият олиб бормоқда. Бунинг натижасида лицей ўқувчилари туман, шаҳар ва республика миқёсида ўтказилаётган кўрик-танлов, фан олимпиадалари ҳамда спорт мусобақаларида совриндорлар қаторидан жой олишмоқда. Жумладан, ўқувчилардан Қамариддин Шайхов «Келажак овози» нинг республика босқичи голиби деб топилган бўлса, хорижий тиллар бўйича кўрик-танловда иштирок этган Гулноза Исроилова эса Америкадаги Бенжамин Франклин номли ёғи университетда ўқиш йўлланмасини қўлга киритди.

Лицейда ҳафтада бир марта маънавий соатлари ташкил қилинади. Уларда миллий урф-одатларимиз ва қадриятларимиз, муштариклик даври

Тоштемир ХУДОЙКУЛОВ

Болалар ва ўсмирлар хор жамоалари

Республика кўрик фестивали

Қарор ва ижро Президентимизнинг «Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўжалланган Давлат дастури тўғрисида»ги қарори асосида мамлакатимизда 136 та янги болалар мусиқа ва санъат мактаби қуриш, фаолият кўрсатаётган 142 та мусиқа мактабини эса капитал таъмирлаш кўзда тутилган.

Айни кунларда пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги 26-сонли болалар мусиқа мактабиде қайта реконструкция ишлари олиб борилмоқда. Бунинг учун ҳукуматимиз томонидан салкам бир миллиард сўм атрофида маблағ ажратилган. Шунингдек, мактабни керакли миллий ва жаҳон мусиқа чолғу асбоблари билан таъминлаш учун буюртма ҳам берилди. — Мактабимиз шу йўналишдаги санъат, мусиқа даргоҳлари ичиде ўз ўрнига эга, — дейди мактаб директори Наира ГУСЕЙНОВА. — Шу боис ҳам ўқувчиларимиз турли кўрик-танловларда фаол қатнашиб, faxрли ўринларни эгаллаб келмоқда. Жумладан, Баркамол авлод йилгига бағишлаб 28-29 май

кунлари пойтахтимизда ўтказилган Болалар ва ўсмирлар хор жамоаларининг Республика кўрик-фестивалида болалар хор жамоамиз олий ўринни қўлга киритди. Мазкур даргоҳда фаолият кўрсатаётган йигирма икки нафар фидойи мусиқа муаллимлари 220 нафар ўғил-қизга 5 йўналиш: фортепьяно, скрипка, баян-аккордеон, гитара, шунингдек, ўзбек халқ чолғу асбоблари, бўйича таълим берапти. Янги ўқув йилидан мактабда қўшимча равишда вокал, эстрада хонандлиги, хореография, тасвирий санъат йўналишлари очилади.

Абдусалим МАХМУДОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.



Кўрғазма

«Тасвирларда она-Ватан»

Ўзбекистон Бадий академияси марказий залида шу номда кўрғазма очилди

Кўрғазмада Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомчилик ва дизайн институти талабалари, ўқитувчилари тақдим этган манзара, натюрморт, портрет каби жанрларда яратилган асарлар намойиш қилинмоқда. Тасвирларда Ватанга бўлган меҳр-муҳаббат, юртимизнинг гўзал табииати ифода этилган. Айниқса, таниқли рассомлар Баходир Жалолов, Жавлон Умарбеков, Собир Раҳметовларнинг яратган бири-биридан гўзал асарлари кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди. Шунингдек, ёш ижодкорлар А.Нарзиёвнинг «Мен яшаётган замин», А.Ориновнинг «Топталган муҳаббат», А.Жамоловнинг «Баҳор» асарлари ҳам киши диққатини тортди шубҳасиз. — Кўрғазма ҳеч қимми бефарқ қолдирмайди, — дейди таниқли рассом Акмал Нур. — Бу каби ижодий кўрғазмалар ёш ижодкорларнинг ўз истеъодларини намойиш этишлари ва маҳоратларини оширишда муҳим аҳамиятга эга.

Гулноза ХОЛМИРЗАЕВА

ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИ

манфаатли «ОМАД ҚУВОНЧИ» ютуқли омонатини таклиф этади.

Омонатга маблағлар 3 ой муддатга йиллик 14 фоиз даромад шарти билан қабул қилинади. Омонат бўйича фоиз даромади билан бирга, ўтказиладиган ютуқлар тиражи натижасига кўра 50 дан ортиқ буюм ютуқлари соҳиби бўлишингиз мумкин.

БОШ СОВРИН — «НЕКСИЯ» АВТОМОБИЛИ!

Ютуқлар тиражи жорий йил август ойи 2-декадасида ўтказилади.

ҲАМ ДАРОМАД, ҲАМ ИМКОНИЯТ!

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ!

Қўшимча маълумотларни 150-12-91 телефони орқали олишингиз мумкин.

Хизматлар лицензияланган

Table with names of staff members: BOSH MUHARRIR: Safar OSTONOV, TAHRIR HAY'ATI: Abdulla ORIPOV, Latif G'ULOMOV, Bobir ALIMOV, Sharbat ABDULLAYEVA, Murodulla ABDULLAYEV, Ulug'bek MUSTAFOYEV, Tat'yana KISTANOVA, (Bosh muharrir o'rinbosari) G'affor HOTAMOV, (Bosh muharrir o'rinbosari) Muslihidin MUHIDDINOV, Andrey KUSTOV, Ochiilboy RAMATOV, Saidahmad RAHIMOV

Table with MUASSIS: O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Table with BO'LIMLAR: Partiya hayoti 233-10-13, Madaniyat va sport 233-69-45

Table with Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55

Table with Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot 233-12-56, Reklama va e'lonlar 233-38-55, 233-47-80, Mas'ul kotib 233-72-83, 236-55-17

Table with VILOYAT MUXBIRLARI: Andijonda 25-32-70, Buxoroda 223-06-02, Gulistonda 25-46-45, Jizzaxda 227-48-35, Navoiyda 223-83-73, Namanganda 226-43-81, Nukusda 222-77-21, Samarqanda 35-02-55, Urganchda 517-30-58, Farg'onada 224-18-78, Denovda 8-37641-23-780

Table with MANZILIMIZ: 100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbati: Bardambek S'ABDULLAYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqarasida chop etildi. Korxonaning: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosiladi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta sahanba, paryshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

G — 549

13355 nusxada bosiladi

r — Tifjorat materiallari

ISSN 2010-7633

O'za yakuni — 21.15

Topshirilgan vaqti — 23.30

1 3 4 5

Sotuvda erkin narxda